



КИБЕРМАКОНДА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНING АҲАМИЯТИ

Тоғаева Моҳидил Нурмухамматовна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси катта
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8164429>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2023

Accepted: 15th July 2023

Online: 19th July 2023

KEY WORDS

Кибермакон, ахборот
технологиялар ва
хавфсизлиги соҳасидаги
ҳуқуқбузарликлар,
кибержиноятчилик,
киберҳужум, киберҳимоя,
чора-тадбирлар,
профилактика.

ABSTRACT

Ушбу мақолада, кибермаконда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш билан боғлиқ ижтимоий алоқаларнинг ривожланиши оқибатида, юзага келган, киберҳужумлар ва кибержиноятларни самарали профилактика қилиш йўллари ёритиб берилган.

Дунёда ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш муаммоси тобора глобал аҳамият касб этиб бормоқда. **Кибермакон** — яъни, ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳитда, бугунги кунда, дунё бўйлаб ҳар йили 500 миллиондан ортиқ киберҳужумлар уюштирилади.

Ҳар сонияда дунёдаги ҳар 12 нафар инсондан бири кибермаконда содир этилган ҳужумлар қурбонига айланмоқда. Хусусан, АҚШ, Франция, Англия, Бельгия, Германия, Люксембург каби давлатларда кибержиноятчилик кўрсаткичи умумий жиноятчиликнинг 60–65 фоизини ташкил этади[1].

Шубҳасиз, айнидамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш билан боғлиқ ижтимоий алоқаларнинг ривожланиши глобал характерга эга. Шундай технологиялар яратилмоқдаки, улар ёрдамида инсонлар ишларини юритмоқда, маҳсулот сотиб олмақда, турли хизматлардан фойдаланмоқда, пул жўнатмоқда ва қабул қилмоқда, бир-бирлари билан мулоқот қилиб маълумот алмашишмоқдалар ва ўз-ўзидан **кибермаконда** ижтимоий алоқаларнинг жадаллашуви натижаси ўлароқ, **кибержиноятчилик** яъни ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар юзага келмоқда.

Кибержиноятчиликнинг айрим турлари, жумладан ноқонуний банк-молия операциялари орқали ўзгаларнинг пластик картадаги маблағларини ўзлаштириш,



бировнинг ишончига кириб, унинг номига онлайн микроқарз олиш, молиявий пирамидалар ташкил қилиш, вирусли дастурлар орқали компьютерларга хужум уюштириш, ўзгаларнинг шахсий маълумотларини тарқатиш орқали кўрқитиш йўли билан товламачилик қилиш, гиёҳвандлик воситаларининг онлайн ноқонуний савдоси, қимор ва таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар, диний ақидапарастликка қаратилган ахборот хужумлари, онлайн савдо майдонидаги фирибгарлик каби жиноятлар кўпайиб бормоқда.

Ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва бошқа нодавлат ташкилотлари, шунингдек кенг жамоатчилик вакилларининг ўзаро узвий ҳамкорликдаги фаолиятини йўлга қўйиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир.

Интернетда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва киберхавфсизликни таъминлаш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелда қабул қилинган Киберхавфсизлик тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасида, қуйдаги тушунчаларга урғу берилган яъни, **киберхужум** — кибермаконда аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда қасддан амалга ошириладиган, киберхавфсизликка таҳдид соладиган ҳаракат бўлиб айнан ушбу хужумга нисбатан **киберҳимоя** — киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олишга, киберхужумларни аниқлашга ва улардан ҳимоя қилишга, киберхужумларнинг оқибатларини бартараф этишга, телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари ҳамда ресурслари фаолиятининг барқарорлигини ва ишончлилигини тиклашга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий-иқтисодий, муҳандислик-техник чора-тадбирлар, шунингдек маълумотларни криптографик ва техник жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари механизми бевосита қонунчиликда мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармонида фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш, ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланиш маданиятини ошириш, шахсий ва сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни интернет тармоғида ошкор қилиш билан боғлиқ дахлсизлик ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш, кибержиноятчилик профилактикаси тизимини яратиш борасида алоҳида мақсад белгилаб берилди.

Бу йўналишдаги чора-тадбирларни такомиллаштириш борасида алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилганлиги ўз навбатида интернет тармоғи орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда шунингдек профилактиканинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, бугунги глобаллашув жараёни, кимки ахборотга эгалик қилса, ўша дунёга ҳукмронлик қилади, деган фикр бежизга айтилмаганлигини тасдиқлади. Шу боисдан, ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан илмий тадқиқотларни янада кучайтириш илмий асослантирилган таклифлар ишлб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш чоралари кўриши муҳим аҳамият касб этади[2].



Ҳозирги шароитда ахборот технологиялари жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ва ижтимоий муаммоларни ҳал этилиши учун муҳим омилга айланди. Шу боис ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш, уни иқтисодиёт ва ҳаётнинг барча соҳаларига ялпи жорий этиш ва ундан фойдаланиш, замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникациялар, фуқароларнинг ахборотга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларини иложи борича тўлиқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитлар яратиш, ҳамда дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳозирги жамият тараққиётининг устувор йўналишларидандир.

Кибероламда киберхавфсизликни таъминлашда, ахборот хавфсизлиги борасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш масалалари кўриб чиқиладиган бир пайтда, ёш авлодлар таълим-тарбияси, аҳолини ҳуқуқий саводхонлигини кўтариш масалалари вақти келганлигини англаб етган ҳолда, ушбу соҳани тизимли тарзда ривожлантириш ва замон талаблари доирасида такомиллаштириш лозим[3].

Ахборот технологиялари соҳасида содир этиладиган жиноятлар билан курашишда кўпгина мамлакатларнинг, хусусан АҚШ, Буюкбритания, Германия ва бошқа давлатларнинг тажрибасини ўрганиш, мамлакатимизда ушбу жиноятлар билан самарали кураш олиб боришни таъминлайди[4].

Хулоса ўрнида кибермаконда, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш, давлатнинг хавфсизлигини таъминлашнинг устувор вазифаси эканлигидан келиб чиққан ҳолда, кибержиноятлар ҳамда киберхавфсизликка таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар ва маълумотларни рўйхатдан ўтказиши, улар юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида чоралар кўриш билан бир қаторда, киберхавфсизликка таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, виктимологик профилактик чора-тадбирларини тўғри ишлаб чиқиш ва амалиётда самарали қўллаш бугунги куннинг энг муҳим масаласидир.

References:

1. Нигматов Р.О Интернетда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва киберхавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари./– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 19 б.
2. Нигматов Р.О Интернетда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва киберхавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари./– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 19 б.
3. Ибрагимов А.И Интернетда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва киберхавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари./– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 229 б.



4. Абдурасулова Қ.Р Интернетда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва киберхавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари./– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 46 б.